

Иқт. ф. д., профессор Маматов А.А.,  
Ўз.Р. М.Г.Харбий техник институти  
Иқт. ф. д., профессор Жўраев Т.Т.,  
Тошкент Молия Институти

## **КЛАСТЕРЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ**

**Мақолада:** Кластерининг моҳияти, иқтисодиётида тутган ўрни ва уларни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари АҚШ ва Европа мамлакатлари тажрибалари ва ютуқлари асосида тадқиқ этилган.

**В статье:** раскрыто сущность кластеров его место в экономике. исследовано практика и новшества по формированию и развития кластеров на примере США и стран Европы.

**Калит сўзлар:** Европа Иттифоқи, кластер, рақобат, Европа кластерлаштириш сиёсати, саноат районлари, интеллектуал платформа, ананавий ишлаб чиқариш корхоналари, кластер типдаги корхоналар, венчур капитал, Силикон водийси, ҳокимият, бизнес тузилмалар, давлат, хўжалик механизми, самарадорлик.

Қишлоқ хўжалигида агросаноат кластерларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг хориж тажрибасини ўрганиш ва тадқиқ этиш, бизга агрокластер тизимини ташкил этиш ва уни ривожлантиришда бошқалар томонидан қилинган ҳатоликларни йўл қўймасликка, уни ривожлантиришнинг ички имкониятлари ва шарт-шароитларини аниқлашга ва Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида агросаноат кластерлари тизимини шакллантириш имкониятига эга бўламиз. Шу муносабат билан муҳтарам Президентимиз Олий мажлисга қилган маърузаларида “Халқаро тажрибани ўрганиб, рақобатни олиб кириш мумкин бўлган монополия соҳаларига хусусий сектор учун йўл очиш ва шу орқали рақобат муҳитини шакллантириш лозим” эканлигини таъкидлаб ўтдилар [1].

Бугунги кунда кластерларни ташкил этиш ва уларнинг самарали фаолиятини йўлга қўйиш борасида етарлича бой назарий ва амалий тажрибалар тўпланган. 19-асрнинг охири ва 20-асрнинг бошларида яшаб, ижод қилган иқтисодчиларнинг илмий изланишлари орқали кластер назариясига асос солинган. Унда маълум бир ҳудудда жойлашган корхоналарнинг ўзаро мужассамлашуvidан таркиб топувчи саноат районининг ўзига хос жиҳатларини очиб берган Алфред Маршаллнинг ҳиссаси беқиёсдир[2]. Ўтган асримизнинг

90-йилларидан бошлаб, ишлаб чиқаришни ҳудудий жиҳатдан ташкил этишнинг ўзига хос янги шакли сифатида кластерларга алоҳида эътибор қаратила бошланди ва мазкур масалалар М.Портернинг илмий ишларида назарий жиҳатдан асослаб берилган [3].

Экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ҳозирги кунда дунё иқтисодиётининг етакчи мамлакатларининг қарийб 50 фоизга яқини кластерлаштириш жараёнига тортилган. Кластерлар тармоқ, ҳудудий ва жаҳон иқтисодиётининг ривожланишига катта таъсир кўрсатади, халқаро рақобат курашида муҳим ўрин эгаллайди. Хусусан, рақобат кураши авж олган халқаро биотехнологиялар бозорида Бразилия, Чили каби мамлакатларини қўшганда 70 дан ортиқ кластерлар фаолият кўрсатмоқда. Дания, Финляндия, Норвегия ва Швециянинг саноати яхлит ҳолда кластерлаштирилган, АҚШ корхоналарининг 50 фоизга яқини кластерларда мужассамлашган бўлиб улар томонидан мамлакат ЯИМининг 60 фоиздан кўпроқ қисми ишлаб чиқарилмоқда. ЕИда икки мингдан ортиқ кластерларда жами 38 фоиздан ортиқ ишчи кучи меҳнат қилади[4].

Кластерлаштириш соҳасида олиб борилган тадқиқотларнинг катта қисми Европа мамлакатлари улушига тўғри келади. ЕИ патрионажлиги остида мамлакат ва халқаро даражада ташкил этилган турли ташкилотлар кластерлаштириш борасида тўпланган бой илмий ва амалий тажрибаларни халқаро миқёсга жорий этиш билан шуғулланадилар. Бундай ташкилотларга Кластерли инновацион платформа (Cluster-IP)ни мисол сифатида келтиришимиз мумкин.

ЕИ комиссияси томонидан молиялаштирилувчи кластерлаштириш соҳасидаги тадқиқотлар “Europa INNOVA Cluster Mapping Project” лойиҳаси) доирасида (“Oxford Research” компанияси томонидан, амалга оширилган “Европада кластерлаштириш сиёсати” тадқиқотларида 31 та европа мамлакатларидаги кластерлаштириш борасидаги ташаббуслари тадқиқ қилинган. Бунда асосий эътибор ташкилий жараёнларга, (тузилма таркибини баҳолаш ва ўрганиш, фаолият кўрсатиш муддатлари, йўналишлари, молиялаштириш манбалари, ходимлар сони, турли иқтисодий манфаатларни амалга ошириш механизми каби ташкилий жиҳатларга қаратилган. Бунинг натижасида кластерларни ташкил қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришнинг умумий қонуниятлари аниқланган.

Инновацион фаолликнинг ўсиши натижасида кластерлар ёрдамида ҳал этиладиган муаммолар доираси ва уларнинг типологияси кенгайиб бормоқда. Кластерларнинг ривожланиши икки йўналишда амалга ошмоқда.

- Инновациялардан кенг фойдаланиш асосида интеграцияни кенгайтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг тугаллик даражасини

ошириш занжирида юқори кўшилган қийматни яратиш мақсадида унинг турларини кўпайтириш асосида тармоқлараро ривожланишни таъминлаш. Жаҳон иқтисодиётида европалик ишлаб чиқарувчилар учун рақобатбардошлик даражасини оширишда инновацияларнинг ҳаётий зарурият эканлигини инобатга олган ҳолда, ЕИ инновацияларни ривожлантириш учун кластерлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уни ривожлантиришга интилади;

- Кластерлар аксарият ҳолларда “саноат районлари” сифатида тушунилганлиги боис, уларни ривожлантиришда ҳудудий жиҳатларни инобатга олиш.

Шундай қилиб, замонавий кластерларнинг рақобат стратегияларида иккита инновацион ва ҳудудий фарқловчи жиҳатларни қамраб олган бўлиб, алоҳида ҳудудларни илгарилама ривожлантиришнинг асоси сифатида майдонга чиқади, бунинг натижаси ўлароқ, кластерларнинг янги типи-ҳудудий инновацион кластерлар (regional innovation clusters) вужудга келмоқда.

Бугунги кунда ЕИ томонидан илгари сурилган ҳудудларни самарали меъёрда ихтисослаштириш борасидаги концепциялар устида алоҳида тўхталиб ўтиш талаб этилади. Ушбу ёндашув ҳудудларни ривожлантириш борасида ўзига ҳос тармоқлар ва иқтисодий фаолият турларини ривожлантириш ҳисобига ҳудудларни ривожлантиришда узоқ истикболда таркибий тузилмани такомиллаштиришга таянади.

Бу ҳудудга нафақат инновацион, балки миллий ва глобал иқтисодиётда ижтимоий-иқтисодий сиёсатини самарали амалга оширишда унинг барқарор мавқеини таъминлашга хизмат қилувчи институционал шарт-шароитларини шакллантириш имконини беради. Ҳудудий инновацион кластерлар тадбиркорлик ташаббуслари эвазига, минтақа ва минтақалараро даражада турли тармоқ ва тузилмаларни барпо этиш жараёнларда муҳим, асосий ўринни эгаллайди.

Европа Иттифоқи миқёсида “Smart Exper-tization Platform” махсус интеллектуал платформасида юқори технологик ишлаб чиқариш жараёнларда инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқиш борасида янги технологиялардан фойдаланиш самарадорлиги ва уларнинг тезлигини ошириш мақсадида устивор ақлли соҳалари базасида ҳудудлараро ҳамкорликни амалга ошириш таклиф этилади. Бундай ёндашув ўзаро бир-биридан ўрганишга, муаммоларни ҳамкорликда ечимини излаб топиш ва ҳамкорликда инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқишга имкон беради.

Бундай тузилмада иштирок этиш, платформа томонидан тақдим этилаётган ЕИ мамлакатларида интеллектуал ихтисослашувини таъминлаш ва уларнинг ҳудудлараро ҳамкорлигига кенг йўл очиб бериш ва хизматлардан

фойдаланиш орқали наф кўришдан иборатдир. Бунда маҳаллий ҳокимият ва бизнес тузилмаларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлашда кластер тузилмаларининг ўрнига алоҳида урғу берилади.

Ижтимоий муаммоларни ҳал этишда қараб чиқиладиган ёндашувнинг ўрни ва аҳамияти юқори эканлигига алоҳида эътибор қаратиш ўринлидир. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бугунги глобаллашув ва рақамли иқтисодиёт даврида ижтимоий муаммоларни фақатгина бозор кучлари орқали ҳал этишнинг имкони йўқ. Бозор ижтимоий зиддиятларнинг чуқурлашувига олиб келиши кўп бора исботланган ҳақиқатдир. ЕИ комиссияси ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, уларнинг қиёфасини тубдан ўзгартиришда ижтимоий капиталнинг ўрни бекиёс эканлигини таъкидлайди [5]. ЕИ доирасида амалга ошириладиган “Smart иқтисослаштириш” сиёсати мазкур муаммоларни ҳал этишга хизмат қилади. Ҳудудий инновацион экотизимни ривожлантиришга фуқаролик жамияти барча субъектларининг инновацион ва илмий-тадқиқот базасининг имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга йўналтирилган бўлиши керак. Бу эса, ўз навбатида турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш нуқтаи назаридан ҳудуд салоҳиятини такомиллаштириш ва ривожлантиришда муҳим асоси бўлиб ҳисобланади. Ҳудудларни раванг топтириш пировард натижада меҳнат фаолиятини амалга ошириш ва турмуш сифатини яхшилаш борасидаги ижобий шарт-шароитларнинг мавжудлигига ҳам боғлиқдир.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда, ЕИ комиссияси яқин ўн йиллик истиқболга мамлакатларни ривожлантириш стратегиясини белгилаб берган, деган хулосага келиш мумкин. Таклиф этиладиган стратегия ҳудудларни ривожлантириш борасида кластер ёндашувининг бозор муносабатлари билан изоҳланувчи ижтимоий жиҳатларини тўла-тўқис инобатга олмаслик каби ўзига хос нуқсонларини бартараф этиш имконии беради. ЕИ мисолида минтақалараро ҳамкорлик йўналишида кластер ташаббуслари, унда ижтимоий жиҳатларига алоҳида урғу берган ҳолда ривожланиш кузатиладиганлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин. Шу тариқа, кластерлар ва ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари ўртасидаги муҳим фарқлар бартараф этилмоқда. Мазкур тажрибадан Республикамиз шароитларда фойдаланиш Ўзбекистон кластерларига уларнинг дастлабки шаклланиш шароитида мавжуд камчиликларни тезда бартараф этиш имконини беради. Шундан келиб чиқиб ҳудудий инновацион кластерларни иқтисодий жиҳатдан баҳолашда уларга ижтимоий соҳа маъсулиятини белгилаш тавсия қилинади.

**Худудий ананавий ишлаб чиқариш корхоналари билан кластерлар ўртасидаги умумий ва фарқ қилувчи томонлар**

	<b>Ананавий ишлаб чиқариш корхоналари</b>	<b>Кластер типидagi корхоналар</b>
Ишлаб чиқариш асоси	Қатъий ихтисослашув, стандартли маҳсулотни оммовий ишлаб чиқариш	Инновацион ёндашув ва эгилувчан ихтисослашув
Ишлаб чиқариш таркиби	Корпоратив ҳамкорлик ва марказлашув	Келишилган йўналишлар бўйича марказдан мувофиқлаштириш
Рақобат	Ташқи бозорда, худуд доирасида	Чекланган худудда
Худудий жойлашув	Худуд доирасида ёки худудлараро	Чекланган худудда
Иқтисодий кўрсаткичлар	Тармоқлар бўйича	Кластер тизимига кирувчи ялпи тармоқлар бўйича
Меҳнат бозори	Ишчи кучи ҳаракатчанлигини қуйи даражаси	Ишчи кучи ҳаракатчанлигини юқори даражаси
Давлат томонидан тартибга солиш	Тармоқ ва корхоналар бўйича тартибга солиш	Кластер ва корхоналар бўйича тартибга солиш
Ҳамкорлик механизми	формал	Формал ва шу билан бирга ноформал (ахборотлар ва технологиялар бўйича)

Жадвалда худудлардаги ананавий ишлаб чиқариш корхоналари билан кластерлар ўртасидаги умумий ва фарқ қилувчи томонлар келтирилган. Унга кўра давлат томонидан тартибга солиш ананавий ишлаб чиқариш корхоналарида худудда жойлашган тармоқ ва унга тегишли корхоналар бўйича амалга ошса, кластер тизимида эса аксинча бутун худуд бўйича жойлашган кластер ва унга тегишли корхоналар бўйича тартибга солинади. Жадвалда худуддаги ананавий ишлаб чиқариш корхоналари билан кластерлар ўртасидаги бошқа умумий ва фарқ қилувчи томонлар ҳам келтирилган

Жаҳон иқтисодиётида кластерларни ташкил этиш ва ривожлантиришда катта тажрибага эга бўлган ва бу соҳада биринчи, лидер мамлакат, бу Америка Қўшма Штатлари (АҚШ) бўлиб ҳисобланади. Кластерли ёндашув АҚШ

худудлари иқтисодиётини ривожлантириш стратегиясининг асосини ташкил этади. Илмий-тадқиқот муассасаларини ривожлантириш борасида фаол давлат сиёсатини амалга ошириш ва уларни молиявий жиҳатдан кенг қамровли қўллаб-қувватлаш кластерлар мавқеининг мустаҳкамланишига ва уларнинг жадал ривожланишига олиб келди. Мамлакатда илмий-тадқиқот соҳасининг давлат қарамоғига олиниши натижасида тадбиркорлик секторида фан соҳасининг амал қилиш муҳити туб ўзгаришларга юз тутди. Корпорациялар кўплаб тармоқ ва соҳаларда ўзларининг илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланувчи бўлинмаларини ташкил этган бўлсаларда, бу бўлинмалар аксарият ҳолларда давлат томонидан белгилаб берилган вазифалар ва буюртмаларни бажаришга хизмат қилди.

АҚШларининг жаҳонга машҳур Силикон водийси классик кластерга яққол мисол бўла олади. Унинг ўзига ҳослиги бизнес юритиш муҳити ва инфратузилманинг юксак даражада тараққий этганлиги билан изоҳланади. Силикон водийси учун қуйидагилар хосдир[6]:

- Таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари мужассамлашув даражасининг юқорилиги;
- Венчур капитали бозорининг юксак даражада тараққий этганлиги;
- Юқори рақобат даражаси;
- Ҳукуқий базанинг юқори самарадорлиги;
- Банкротлик амалиётини амалга ошириш процедурасини оддийлиги.

Юқорида тилга олиб ўтилган сўнгги икки асосий жиҳат кўплаб компанияларни тез ва осон табақаланишига олиб келади. Бунда кўпчилик компаниялар кластерда шаклланган молиявий ресурсларни аккумуляция қилишнинг (қўшимча қимматли қоғозларни муомалага чиқариш, венчур капитали) ишончли механизмларига таяниб иш кўрадилар. Бир қатор йирик Трансмилий компаниялар корпоратив стратегиясида кичик ва ўрта инновацион корхоналарнинг салоҳиятидан фойдаланиш ва кластерли ёндашувлар асосида ҳокимият билан ўзаро яқинлаштиришнинг ўзига ҳос воситаси эканлиги олиб борилган тадқиқотлар натижасида исботланди.

“Силикон водийси” кластери асосида венчур капитали билан илмий-тадқиқот марказлари ўртасидаги узвий ҳамкорлик алоқалари ётади. Мазкур тузилмалар кластернинг бошқа иштирокчиларига таъсир кўрсатгани ҳолда, унинг моддий базасини ташкил этади. Венчур капитали ва илмий-тадқиқот марказлари зарурий инфратузилмани яратгани ҳолда, кластернинг янги субъектларининг ривожланишини рағбатлантиради. Бунинг натижасида инновацияларнинг генерация жараёни юз беради.



Мамлакатда амалга оширилаётган кластер сиёсатининг самарали эканлигини амалиётда исботланди, хусусан АҚШ кластерларида мамлакат иқтисодий фаол аҳолисининг 36 фоизи банд бўлиб, уларнинг даромадларнинг 50 фоизга яқини кластерлар томонидан яратилади. Мамлакатда берилаётган патентларнинг 97 фоизи кластерлар улушига тўғри келади [7].

Силикон водийси асосчилари ҳақли равишда кластерли ёндашувдан фойдаланиш борасида ўзига хос кашшоф ҳисобланадилар. Мазкур кластер ҳудудида 87 мингта компания, бир неча ўн илмий-тадқиқот марказлари ва бир қатор йирик университетлар жойлашган. Силикон водийси – илмий муҳит ва бизнеснинг самарали кооперацияси ва шунинг билан биргаликда бизнес муҳит билан илмий марказлар ўртасида кадрлар айрибошлашнинг классик намунаси бўлиб ҳисобланади. Кластер ҳудудида компанияларни молиялаштириш билан боғлиқ хизматларни кўрсатувчи 180 та венчур корхоналари ва 700 та банклар фаолият кўрсатади. Кластер ҳудудида микропроцессорлар, дастурий таъминот ва бошқа шу каби ахборот технологиялари билан боғлиқ маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ва хизматлар кўрсатувчи 7 мингдан ортиқ юқори технологияли компаниялар жойлашганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Бундай компаниялар орасида мазкур соҳанинг Intel, Apple Inc, Cisco Systems, Adobe Systems, Symantec, Advanced Micro Devices каби етакчилари мавжуд.

“Силикон водийси” лойиҳаси учун кўп сонли юқори технологияли компанияларнинг зичлиги хосдир. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, мазкур кластер таркибига кўплаб машҳур компаниялар қатори, Санта Клара, Сан-Хосе, Сант-Круздаги Калифорния университети, Стенфорд университети каби машҳур университетлар ҳам кирган.

АҚШ кластерлар фаолиятини ташкил қилишнинг ўзига хос муваффақиятли шакл ва усулларида кенг фойдаланган ҳолда, кластерли ёндашувдан тобора кенг фойдаланиш йўлидан бормокда. АҚШнинг йирик инновацион кластерлар қаторида Олимпия, Сиэтл, Такома (аэрокосмик техникалар ва ахборот технологиялари), Джексонвиль, Миннеаполис (тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар), Акрон, Кливленд, Питтсбург (муқобил энергия технологиялари) Канзас-Сити (замонавий кимё ва биотехнология-лар), Бостон (биотехнологиялар), Остин (ярим ўтказгичлар) шаҳарларида жойлашган кластерларни санаб ўтишимиз мумкин.


АҚШнинг дастлаб тамаки етиштиришга ихтисослашган кашшоқ бир ҳудудидан бугунги кунга келиб, мамлакатнинг йирик технологик марказига айланган Шимолий Каролина штатида жойлашган “Тадқиқот учбурчаги”ни кластерларнинг муваффақиятли фаолиятига доир ёрқин мисолни келтириш мумкин. 1950-йилларнинг ўрталарига келиб мамлакатда иқтисодий вазиятнинг ёмонлашиши маҳаллий ҳокимият вакиллари янги ечим ва ғоялар излаб

топишга ундади. Бугунги кунда мазкур “Тадқиқот учбурчаги” илмий ишланма ва ихтироларни рағбатлантириш мақсадида давлатдан ҳар йили қарийб 2 миллиард АҚШ долларида ошқроқ молиявий кўмак олади. Унда GlaxoSmithKline, IBM, Cisco Systems каби умум тан олинган трансмиллий гигантларни ўз ичига олган АҚШнинг йирик технопарки жойлашган. Мазкур технопаркда юқори малакага эга бўлган ходимлар учун 40 мингдан ошқ иш ўринлари яратилган[8].

Юқорида тилга олиб ўтилган ва муваффақиятли фаолият кўрсатаётган “Силикон водийси”да мамлакатнинг энг йирик университетларидан бири бўлган Стенфорд университети фаолият кўрсатади. Г.Ицковичнинг тадқиқотларида мазкур кластерни ривожлантиришнинг самарали механизми “учёқлама спирал модели” номини олган [9]. Мазкур концепция иқтисодий субъектларнинг постиндустриал иқтисодиётга ўтиши шароитида улар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг ўзгаришига таянади. Агар индустриал жамиятда учта институционал сектор (бизнес, фан ва ҳокимият)нинг ўзаро алоқалари чизиқли кўринишга эга бўлган бўлса, постиндустриал иқтисодиётда мазкур ҳамкорлик алоқалари спирали элементларининг ўзаро бирикишига ўхшаш ҳолда амалга ошади, бу эса субъектларга кластер бўйича ўз ҳамкорларининг “генетик тавсифлар”-деб аталувчи имкониятларидан фойдаланиш имкониятини беради. “Шу боисдан унинг таркибига хомашё, материаллар ва ускуналар таъминловчилари, минтақавий ҳукумат структуралари, ОТМлари, молия институтлари, саноат ассоциациялари, товарлар ва хизматлар истеъмолчилари, консалтинг компаниялари, илмий-тадқиқот институтлари, назорат ва лицензиялаш соҳаси ташкилотлари киради”[10].

Кластернинг барча иштирокчилари ўз манфаатлари ва қизиқишларини кластернинг умумий мақсадлари билан ўзаро уйғунлигини таъминлай олсаларгина, кластер самарали фаолият кўрсата олиши мумкин. Кластерлар жаҳон бозорига рақобатбардош товар ва хизматларни экспортини кенгайтира бориб, улар мамлакат ва ҳудуд иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатган ҳолда, ўзига хос “ўсиш нуқталари”га айланиб борадилар.





**1-расм. Кластерларнинг асосий хусусиятлари**

1-расмда тадқиқотлар асосида аниқланган кластерларнинг асосий хусусиятлари бир тизимга келтирилган. АҚШда хусусий компаниялар ва университетлар ўртасида самарали кооперация тизими шакллانганлиги сабабли тадқиқот ва ишланмаларни тижоратлаштириш орқали фойда олиш имконияти пайдо бўлди ва фундаментал тавсифдаги илмий-тадқиқотларни молиялаштиришнинг қўшимча манбаларини излаб топиш зарурияти вужудга келди. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, индустриал жамиятдан постиндустриал жамиятга ўтиш, жамият ҳаётида туб ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, унда инновацияларни кенг яратиш ва жорий этишга асосланган янги иқтисодий тизим моделига ўтиш билан амалга ошмоқда. Табиийки, ушбу даврда кластер моделида чуқур ўзгаришлар юз беради. Мазкур тадқиқот натижаларини умумлаштириш асосида қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин:

- Европа Иттифоқида “Smart Exper-tization Platform” махсус интеллектуал платформасида юқори технологик маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида устивор ақлли соҳалар базасида ҳудудлараро ҳамкорликни амалга оширмоқда Бу ЕИ мамлакатларида интеллектуал ихтисослашувини таъминлаш ва уларни ҳудудлараро ҳамкорлигига кенг йўл очиб бериб унинг хизматлардан фойдаланиш орқали платформа томонидан тақдим этилаётган имкониятлардан наф кўрмоқда. Бунда маҳаллий ҳокимият ва бизнес тузилмаларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлашда кластер тузилмаларининг ўрнига алоҳида урғу берилади;

- Америка кластерлари учун янгиликларни ишлаб чиқишда мустақиллик даражасининг юқорилиги, илмий-тадқиқотларни амалга оширишда ҳудудларнинг фаол иштироки, бир қатор ваколатларнинг ҳудудларга берилиши каби жиҳатлар хос эканлигини таъкидлаб ўтиш мумкин. АҚШда инновацион ривожлантириш муаммолари билан барча даражадаги давлат ҳокимияти органлари ўз компетентиялари доирасида шуғулланадилар;

- бизнес ва давлат муносабатларида шерикчилик ва айтиш мумкинки, ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг ривожланиши кузатилмоқда. Мамлакат иқтисодиётининг тадрижий тараққиёти асносида ҳудудий инновацион кластерларни шакллантириш ва уларни жадал ривожлантириш иқтисодий тараққиётни таъминлашнинг миллий устивор вазифаларидан бири сифатида қаралади;

- дунё бозор ҳўжалиги ташкилий жиҳатдан ўзгаришга юз тутмоқда: ишлаб чиқаришни тармоқ жиҳатдан ташкил этишдан, кластерли ташкил этиш томон аста-секинлик билан ўзгариб бормоқда. Мазкур жараёнда замонавий интерактив тармоқлар кооперацияси маҳаллий, глобаллашмаган бозорлардаги рақобатни сиқиб чиқарувчи тармоқ-кластер муҳитини шаклланиши муҳим ўрин тутди. Коллаборацияни кўзда тутувчи тармоқ алоқалари - умумий мақсадларга эришишда ҳамкорликдаги фаолият, кластерларга рақобат курашида катта имконият тақдим этади;

- инновацион тараққиёт кластер шакллариининг такомиллашишига олиб келади. Таълим, бизнес ва ҳокимиятнинг ҳамкорликдаги фаолияти ҳисобига учёқлама спирал кўринишида амалга ошувчи ҳудудий инновацион кластерлар (regional innovation clusters) вужудга келди. Ҳамкорликдаги алоқаларнинг мавжудлиги, ҳудудий инновацион кластерларда ўзини-ўзи қўллаб-қувватлаш ва инновацион ўсиш борасида катта имкониятлар тақдим этади;

- “Smart Exper-tization Platform” ақлли ихтисослашув платформаси доирасида кластерлар ташаббуслари ҳудудлараро ҳамкорлик йўналишида юз бермоқда ва унда ривожланишнинг ижтимоий жиҳатлари бирламчи вазифа сифатида қаралмоқда.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Т. // Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.
2. Маршалл А. Принципы политической экономии/ А.Маршалл.-М.: Прогресс,1993.С.128.
3. Портер М. Конкуренция: Пер. с англ./М.Портер.-М.:Вильямс,2005.С. 258-269.
4. Давиденко Е.В. Кластеризация как инструмент реализации конкурентных преимуществ стран на мировом рынке. Ж-ль «Экономические науки. 2013. №4.- С. 180.
5. Малов В.Ю. ТПК и кластеры: общее, особенное, частное //ЭКО.-2012 №1 –С.2-18.
6. Silicon Valley in Transition Economic and Workforce Implications in the Age of iPads, Android Apps, and the Social Web.-NOVA Workforce Board, July 2011
7. Обзор инновационных кластеров в иностранных государствах.-М.: Минэкономразвития России, 2011
8. Сараев В. Затерянный кластер/В.Сараев//Эксперт.-2014.-№51 (928) [Электронный ресурс]
9. Ицкович Г. Тройная спираль: университеты-предприятия-государство: инновации в действии/ Г. Ицкович: пер.с англ. под. ред. А.Ф. Уварова-Томск: Томский государственный университет систем упр. и радиоэлектроники, 2010.- 237 с.
10. Урдушев Х., Эшонқулов С. Кластерлар ва уларнинг ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириш усуллари билан такомиллаштириш. “UzBridge” электрон журнали 2019 й.№2.-Б.12-16.